



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 16 » апрель

№ 232

Toshkent sh.

2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

бюджет ташкилотларида (тиббиёт, тиббий-ижтимоий муассасалари, меҳрибонлик уйларида ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг 1-3 разрядлари кўлланиладиган ходимлардан ташқари) ишлайдиган ходимларга 2020 йилнинг 16 апрелидан 1 октябрга қадар моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳамда директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўловлар ҳисобланишини тўхтатиб туриш;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидида ҳамда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида кўзда тутилган харажатларни 1- ва 1-а иловаларга мувофиқ мақбуллаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари харажатларини 2-иловага мувофиқ мақбуллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2020 йил II чораги учун режалаштирилган харажатларни 3-иловага мувофиқ 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллигига ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашига 2-иловага мувофиқ иқтисод қилинган маблағларни маҳаллий бюджетларнинг даромадлар прогнозининг бажарилмаган қисмини қоплашга йўналтириш тавсия қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тегишли вазирлик, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда барча бюджет ташкилотларида (тиббиёт ва тиббий-ижтимоий муассасалари ҳамда меҳрибонлик уйларида ташқари):

асосий воситаларни харид қилиш ва капитал таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни жорий йилнинг 1 июлига қадар тўхтатиш (молиялаштириш бошланган чора-тадбирлар бундан мустасно) ва ушбу мақсадлар учун II чоракда режалаштирилган маблағларни қисқартириш ёки 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллигига ўтказиш;

коммунал хизматлар, озиқ-овқат, қоғоз ва бошқа канцелярия товарлари харид қилиш, тадбирлар ўтказиш, жорий таъмирлаш ва бошқа харажатларни қисқартириш;

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишларини молиялаштириш ҳажмини жорий йилнинг II чорагида 3,0 трлн сўмдан оширмаслик бўйича амалий чораларни кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда мақбуллаштирилган маблағлар ҳисобига 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастуридан чиқариладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириб, уч кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд ва прокуратура органлари, вазирликлар ва идоралар икки ҳафта муддатда уларнинг солиқлар, мажбурий йиғимлар, божлар ва жарималар ҳисобидан жамланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари (кейинги ўринларда – жамғармалар) ҳисобида жорий йил 16 апрель ҳолатига мавжуд қолдиқ маблағлари, шу жумладан, тижорат банкларидаги депозит ҳисоб-рақамидаги миллий ва хорижий валютадаги қолдиқ маблағларининг 50 фоизини Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказсин ҳамда ижроси юзасидан 2020 йилнинг 5 майига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.Қўчқоровга 2020 йилнинг 1 майдан бошлаб жамғармаларга солиқлар, мажбурий йиғимлар, божлар ва жарималар ҳисобидан тушадиган тушумдан (ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва қонунчиликда белгиланган моддий рағбатлантириш харажатларини чегирган ҳолда) республика бюджетига 50 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда ажратма белгилаш ваколати берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларининг – йирик корхоналарнинг кузатув кенгашлари таркибини қайта кўриб чиқсин ва уларнинг таркибига Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги вакиллари киритиш чораларини кўрсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил « 16 » апрелдаги 232-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан мақбуллаштириладиган харажатлар

млрд.сўм

Т/р	Йўналишлар	сумма
	Жами мақбуллаштириладиган маблағлар	2 970,1
1	Бюджет ташкилотларида (тиббиёт, тиббий-ижтимоий муассасалари, меҳрибонлик уйларида ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг 1-3 разрядлари кўлланиладиган ходимлардан ташқари) апрель-сентябрь ойлари учун моддий рағбатлантириш жамғармаси, шу жумладан директор жамғармаси бўйича кўзда тутилган маблағларни мақбуллаштириш	1 450,8
2	Бюджет ташкилотларида (соғлиқни сақлаш муассасаларидан ташқари) асосий воситалар сотиб олиш учун кўзда тутилган маблағларни мақбуллаштириш	243,2
3	Карантин давридаги (март-апрель ойлари) бюджет ташкилотларининг IV гуруҳ харажатларини (коммунал тўловлар, кўмир сотиб олиш ва марказлашган харажатларидан ташқари), жумладан, озиқ-овқат харажатларидан иқтисод қилиш	19,0
4	Маданият ва спорт муассасаларини тадбирлар ва хизмат сафарлари учун кўзда тутилган харажатларни қисқартириш	116,4
5	Давлат хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган мактабгача таълим муассасаларига субсидия учун ажратилган маблағлар ҳисобидан (карантин даврида фаолият юритмаётганлиги сабабли)	100,0
6	Халқ таълими соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси учун ажратилган маблағлар	66,7
7	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижга тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси	30,0
8	6 ёшли болаларни бир йиллик мажбурий мактабга тайёрлашни келгуси йилга ўтказиш ҳисобига	80,0
9	Дафтар ва ёзма ишларни текшириш ҳамда информатика хонаси мудирлиги учун қўшимча тўловларни ёзги ўқув таътили (меҳнат таътилидан ташқари бўлган) даврида бир ой давомида амалга оширмаслик.	33,0

Т/р	Йўналишлар	сумма
10	Касб-хунар мактабларида таълим оладиган ўқувчиларга Давлат бюджети ҳисобидан ойлик стипендия (223 минг сўмдан) ҳамда уч маҳал овқат билан таъминлаш тартибини 2021/2022 ўқув йилидан жорий этиш.	347,3
11	Геология қидирув ишларидан иқтисод қилинган маблағлар	483,7

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил « 16 » апрелдаги 232 -сон қарорига
1а-илова

2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш Дастури доирасида бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш объектларининг лимитларидан мақбуллаштириладиган маблағлар

млрд.сўм

№	Йўналашлар номи	Сумма
	Жами мақбуллаштириладиган маблағ	2 185,0
1	Маъмурий, сув хўжалиги, шунингдек, алоҳида муҳим ва тоифаланган объектлар	864,9
	<i>шу жумладан:</i>	
	Қорақалпоғистон Республикаси	11,4
	Андижон вилояти	7,1
	Бухоро вилояти	3,6
	Жиззах вилояти	16,9
	Қашқадарё вилояти	3,0
	Самарқанд вилояти	12,6
	Сурхондарё вилояти	9,0
	Сирдарё вилояти	7,1
	Тошкент вилояти	47,8
	Хоразм вилояти	12,0
	Тошкент шаҳар	17,5
	Бадий академияси	15,3
	Маданият вазирлиги	59,0
	Инновацион ривожланиш вазирлиги	5,0
	Молия вазирлиги	21,6
	Сув хўжалиги вазирлиги (<i>"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастури доирасида</i>)	50,0
	Ички ишлар вазирлиги	15,0
	Миллий гвардия (объектлар қурилиши ва реконструкцияси)	30,0
	Фавқулотда вазиятлар вазирлиги	10,0
	Ёпиқ қисми	95,9
	"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурига қўшимча кўзда тутилган	400,0
	Келгуси давр учун лойиҳалаш ишлари бўйича захира	15,0
2	Олий таълим муассасалари	294,8

№	Йўналарлар номи	Сумма
3	Умумтаълим мактаблари	240,3
	<i>шундан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастури доирасида</i>	<i>204,0</i>
4	Мактабгача таълим муассасалари	162,1
	<i>шундан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастури доирасида</i>	<i>162,1</i>
5	Соғлиқни сақлаш муассасалари	74,8
	<i>шундан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастури доирасида</i>	<i>74,8</i>
6	Олимпия захиралари махсус мактаб интернатлари	38,6
7	Жисмоний тарбия ва спорт объектлари	147,7
8	Автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар	170,0
	<i>шундан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастури доирасида</i>	<i>100,0</i>
9	Муסיқа ва санъат мактаблари	40,0
10	Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимлари объектлари	151,8
	<i>шундан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастури доирасида</i>	<i>151,8</i>

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан мақбуллаштириладиган харажатлар

млрд.сўм

Т/р	Худудлар номи	Мақбуллаш- тиришга таклиф	шу жумладан,		
			Бюджет ташкилотларида (соғлиқни сақлаш муассасаларидан ташқари) апрель-сентябрь ойлари учун моддий рағбатлантириш жамғармаси, шу жумладан директор жамғармаси бўйича кўзда тутилган маблағларни мақбуллаштириш	Бюджет ташкилотларида (соғлиқни сақлаш муассасаларидан ташқари) асосий воситалар сотиб олиш учун кўзда тутилган маблағларни мақбуллаштириш ҳисобига	Карантин даврида бюджет ташкилотларининг IV гуруҳ харажатларини (коммунал тўловлар, кўмир сотиб олиш ва марказлашган харажатларидан ташқари) жумладан, озиқ овқат харажатларидан иқтисод қилиш ҳисобига
1	Қорақалпоғистон Республикаси	85,6	34,9	16,7	34,1
2	Андижон вилояти	80,8	39,5	16,6	24,7
3	Бухоро вилояти	66,7	30,5	14,2	22,0
4	Жиззах вилояти	44,4	21,1	8,6	14,7
5	Қашқадарё вилояти	92,6	35,4	24,8	32,4
6	Навоний вилояти	39,8	21,5	8,4	9,9
7	Наманган вилояти	72,9	34,9	14,8	23,2
8	Самарқанд вилояти	70,2	20,6	15,4	34,2
9	Сурхондарё вилояти	64,6	30,1	14,2	20,2
10	Сирдарё вилояти	33,0	17,5	6,6	8,9
11	Тошкент вилояти	80,5	39,5	17,2	23,8
12	Фарғона вилояти	102,4	46,5	20,8	35,1
13	Хоразм вилояти	59,9	25,7	10,6	23,6
14	Тошкент шаҳар	87,4	43,1	18,8	25,5
Жами		980,6	440,8	207,6	332,3

**Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2020 йил II чораги
учун режалаштирилган харажатлардан 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллигига
ўтказиладиган харажатлар**

млрд.сўм

Т/р	Йўналишлар	Жами	шу жумладан,		
			апрель	май	июнь
Жами		3 179,2	1 017,1	949,8	1 212,3
1	Таълим харажатлари	451,9	148,4	153,5	150,0
2	Давлат бошқарув органларини сақлаш харажатлари	97,4	38,3	35,0	24,1
3	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари харажатлари	134,6	70,8	29,3	34,5
4	Худудларни ободонлаштириш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш харажатлари	194,1	109,7	31,9	52,5
5	Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	1 481,3	400,0	400,0	681,3
6	Бошқа харажатлар	820,0	250,0	300,0	270,0

